

Масжиди Набавийни кенгайтириш



15:44 / 09 октябрь 811

Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг қилган муҳим ва тарихий ишларидан бири Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини кенгайтириш бўйича олиб борган ишларидир.

Ҳазрати Усмон узоқ вақт халифалик қилдилар. Бу давр мобайнида Ислому жамияти мислсиз равишда кенгайди. Турли халқлар Исломуга кирдилар. Муслмонларнинг сони ниҳоятда кўпайиб кетди. Саҳобаи киромлар ҳам турли юртларга тарқалиб кетдилар. Шунга ўхшаш яна бошқа кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Ана шу давр ичида ҳазрати Усмон ҳам анчагина ишларни амалга оширдилар. Бу ишларнинг кўпчилиги янгилик ҳисобланар эди. Мазкур янгиликлар асосан давр тақозоси билан юзага чиққан янгиликлар эди. Ана шу янгиликлар ичида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини кенгайтириб, янгидан қуриш ҳам бор эди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг юқоридаги ривоятларида айтилганидек, ҳазрати Усмон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига кўплаб қўшимчалар қилдилар. Аввало, уни анчагина кенгайтirdилар. Қолаверса, тамоман бошқа қурилиш ашёларидан фойдаландилар. Хом ғишт ўрнига нақш солинган тош ва пишиқ ғишт ишлатдилар. Устунларини ҳам хурмо ёғочи ўрнига нақшинкор тошлардан ясадилар. Шифтини эса хурмо шохлари ўрнига Ҳиндистондан келтирилган саж ёғочларидан

қилдирдилар. Масжиди Набавийнинг узунлигини бир юз олтмиш зиръ, энини бир юз эллик зиръ қилдилар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг бу ишлари ўз тарафдорлари томонидан маъқулланган. У кишининг ўзлари баёнот бериб: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким Аллоҳ учун бир масжид қурса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилади»** деганларини эшитган эдим, шунинг учун қилдим», деганлар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.